2024 YIL - YOSHLAR VA BIZNESNI QO‘LLAB-QUVVATLASH YILI

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 23-oktabr, payshanba | № 43 (9311) | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi



ФАРҒОНА ШАҲРИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА МИКРОКЎКАТ ЕТИШТИРИЛМОҚДА

Амалий ташриф билан Фарғона вилоятида бўлиб турган қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмоновнинг навбатдаги манзили Фарғона шаҳридаги "Греэн Органис" микроорганик ўсимликлар етиштириш кооперацияси бўлди.



Ушбу мажмуада асосан микрокўкат етиштирилиб, республикамизнинг кўплаб ҳудудларига, хусусан, меҳмонхона, умумий овқатланиш тармоқларига етказиб берилади. Айтиш мумкин, умумий ҳисобда 30 дан ортиқ ишчи ходимни доимий меҳнат фаолияти билан банд қилган мазкур кооперациянинг ойлик даромади 4-5 минг долларни ташкил этмоқда. Мазкур корхонада 45 турдаги микрокўкатларни етиштириш кенг йўлга қўйилган бўлиб, ҳозирда иш жараёни қизғин кечмоқда. Бундай маҳсулотларни етиштиришнинг афзаллиги, ортиқча жисмоний ҳаракатни чеклаш, шунингдек, вақтдан ютиш имконини ҳам беради. Аҳамиятлиси, бу каби кенг кўламли иш шаҳардаги кўп қаватли уйларнинг ер тўласида ташкил этилган бўлиб, самарали меҳнат, тўғри ва сифатли ёндашув натижасида бугун ўз маҳсулини бериб турибди. Қолаверса, фаолият юритувчи ишчи ходимларда ушбу йўналишга оид кўникма ва тажриба шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Вазир ўз навбатида мазкур лойиҳаларнинг кўламини кенгайтириш, тармоқларга бўлиш, ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар турини янада кўпайтириш, ички бозордан ташқари ташқи бозорлар учун таклиф бера оладиган даражадаги кўп тармоқли кооперацияга айлантириш борасида ўзининг кўрсатмаларини билдирди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН САВДО АЙЛАНМАСИ ЯҚИН ЙИЛЛАРДА 10 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТКАЗИЛАДИ

Самарқандда Ўзбекистон – Қозоғистон тўртинчи ҳудудлараро форуми ўтказилди.



Форум ишида икки давлат ҳукумати аъзолари, ҳудудлар раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ҳамда Қозоғистон Республикаси Бош вазири О.Бектенов давлатларимиз раҳбарларининг самимий муносабатлари ва оқилона ташқи сиёсатлари туфайли кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланиб, барча соҳаларда ижобий ўсиш кузатилаётганини қайд этди.

Сўнгги 7 йил ичида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро савдо айланмаси деярли 2,5 баробар ўсиб, ўтган йили 4,4 миллиард долларни ташкил этди. Бугунги кунда мамлакатимизда Қозоғистон капитали иштирокида 1100 га яқин, Қозоғистонда эса Ўзбекистон капитали иштирокида 3600 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Мавжуд захиралардан самарали фойдаланган ҳолда яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш имконияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил август ойида Қозоғистонга амалга оширган давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 7 миллиард долларлик шартнома ва битимлар имзолангани мамнуният билан қайд этилиб, бу ҳужжатларнинг ижросини таъминлашда ҳукуматлар ва минтақалар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши зарурлиги таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги узоқ муддатли шерикликни кенгайтиришда ҳудудлараро алоқалар ҳақиқий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Манғистау вилояти билан, Тошкент вилояти Туркистон вилояти билан, Навоий вилояти Қизилўрда вилояти билан тўғридан-тўғри ва яқин алоқалар ўрнатган.

Чегарадош бўлмаган ҳудудлар ҳам ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаб, савдо-сотиқ ва саноат кооперация алоқаларини изчил ривожлантириб келмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳри тадбиркорлари Чимкент шаҳрида маиший техника ва инфузион препаратлар ишлаб чиқаришни бошлади. Самарқанддаги “Azia Metall” компанияси эса Тараз шаҳрида пўлат маҳсулотини ишлаб чиқариш заводини қурмоқда. Остонадаги “BI Group” холдинг компанияси Тошкент шаҳрида йирик қурилиш лойиҳаларини амалга ошираётган бўлса, “PTC Holding” компанияси Тошкент вилоятида йирик логистика марказини барпо этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЭЛЛИК ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2024 йил 23 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Олий Мажлис Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида дастлаб “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан телекоммуникация бозори ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси ва амалиёти чуқур таҳлил қилинди. Унда телекоммуникация бозорини тартибга солувчи регулятор ва ушбу бозорни ривожлантириш сиёсатини олиб борувчи давлат органларининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Жумладан, қонунда тартибга солувчи органга телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда ёки фавқулодда ҳолатларда телекоммуникация инфратузилмаларидан устувор фойдаланиш ҳамда уларнинг фаолиятини тиклаш ва ривожлантириш, операторлар ва провайдерларнинг фаолият кўрсатиши учун тенг ҳамда адолатли рақобат муҳитини таъминлаш ваколатлари берилмоқда.

Шунингдек, тартибга солувчи органнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий этиб белгилаб қўйилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларига енгиллик бериш билан бирга ҳукуматнинг иқтисодиёт ва жамиятни рақамлаштириш бўйича стратегик дастурининг муҳим қисми бўлган телекоммуникация секторининг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

КЎПЧИЛИКНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММО ҲАЛ БЎЛДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Баҳодир Юсупов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ мурожаат ижросини таъминлаш мақсадида Чуст туманида бўлди.

Туманнинг Қайрима маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлган, шу маҳаллада яшовчи фуқаро томонидан алдов йўли билан кўпчиликнинг номига имтиёзли кредит пул маблағлари расмийлаштириб, мазкур пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатган ва ҳозирда қидирувда бўлган шахс учун кредит тўлаб келаётганлик ҳолати юзасидан ўрганишлар ўтказилди. Мазкур ҳолат бўйича банк раҳбарияти томонидан фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича келишувга эришилди. Бундан ташқари, шу маҳаллада яшовчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро С.Абдуллаеванинг яшаш тарзи ўрганилди.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

“КОНИМЕХ-1” НАСОС СТАНЦИЯСИ ҲУДУДИДАГИ СУВ ҚОЧИРИШ АРИҚЛАРИ ТОЗАЛАНМОҚДА

Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфидаги “Конимех-1” насос станцияси 2019 йилда Хитой Халқ Республикасининг кредит маблағлари ҳисобига реконструкция килиниб, фойдаланишга топширилган.



Бугунги кунда насос станциясида 8 дона SXK-900-1050 русумли насос агрегати 24,0 м³/сек. сув чиқариш қувватида ва умумий қуввати 10 000 кВт.да ишлаб турибди.

Насос станцияси Навбаҳор ва Конимех туманларининг 18 минг 100 гектар экин майдонларига сув етказиб беради. Айни кунларда насос станция ҳудудидаги сув қочириш ариқларида махсус техникалар ёрдамида таъмирлаш-тиклаш ҳамда тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

Қуйи Зарафшон ИТҲБ матбуот хизмати



Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш каби жиноятлар фақатгина прокуратура органлари томонидан тергов қилиниши белгиланмоқда



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН САВДО АЙЛАНМАСИ ЯҚИН ЙИЛЛАРДА 10 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТКАЗИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ҳукумат раҳбарлари икки мамлакат минтақалари ва тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришга қулай шароит яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Давлатларимиз ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Бу борада доимий равишда Ўзбекистон ва Қозоғистонда маданият кунлари, кино, театр, илмий ва ижодий жамоалар, зиёлилар форумлари, ўқув кўргазмалари, музей экспонатлари экспозициялари ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўзида Остона шаҳрида Ўзбекистон кино ва санъати кунлари ўтказилди. Хива шаҳрида бўлиб ўтган "Лазги" иккинчи халқаро рақс фестивалида Қозоғистоннинг "Казына" рақс ансамбли биринчи ўринга сазовор бўлди. Остона шаҳрида бўлиб ўтган бешинчи "Жаҳон кўчманчилар ўйинлари"да Ўзбекистон жамоаси муваффақиятли қатнашиб, тўртинчи ўринни эгаллади.



Томонлар туризм соҳаси давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири эканлигини қайд этиб, сайёҳлик хизматларини кўрсатиш ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Бош вазирлар Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг барча вилоятлари ҳамда шаҳарлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрлигини тасдиқлади.

Форумда ҳудудлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан муҳим таклиф ва ташаббуслар билдирилди. Давлат раҳбарлари иштирокида ўтказилган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди. Бир қатор вазирликлар ва минтақалар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Ҳудудлараро форум доирасида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов ҳамда Қозоғистон Республикаси савдо ва интеграция вазири Арман Шаккалиев бошчилигида минтақалар раҳбарлари ва 200 дан ортиқ тадбиркорлар, йирик компаниялар вакиллари иштирокида Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармонлари учрашуви ўтказилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги шериклик алоқаларини минтақалараро даражада ҳам ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди. Бунда қишлоқ хўжалиги ва агросаноат тармоғи, тўқимачилик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, тажриба ва технологиялар алмашинуви истиқболли йўналишлар сифатида белгиланган. Сирдарё вилоятида ўзаро ҳамкорликда "Марказий Осиё" саноат кооперацияси халқаро маркази фаолияти йўлга қўйилаётгани тадбиркорларга бу борада катта имкониятлар очиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, тўртинчи форум олдидан ўзбек ва қозоқ тадбиркорларининг икки мамлакат ҳамкор ҳудудларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашгани натижалари юқори баҳоланди.

Учрашувда икки давлат ҳудудлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва тайёр маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтиришга юзасидан музокаралар олиб борилди ва 30 дан ортиқ шартнома имзоланди. Бундан ташқари, икки давлат тадбиркорлари ўзаро ҳамкорлик бўйича келишувларга эришди.

– Корхонамиз томонидан қозоғистонлик ҳамкорларимизга полипропилен қоплар етказиб берамиз, бу борада яқин алоқаларни йўлга қўйганмиз, – дейди Фарғона вилоятидаги "Универсал савдо саховати" МЧЖ раҳбари Акмалхон Абдужалилов. – Бугунги учрашувда полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича 1 миллион долларлик меморандум имзоладик. Бу лойиҳа биринчи навбатда экологик нуқати назардан жуда фойдали, яъни полимер маҳсулотларнинг атроф муҳитга таъсирини камайтиришга хизмат қилади. Иккинчидан, хом ашёнинг кўплиги ва қайта ишлаш натижасида юқори иқтисодий самарадорликка эришилади.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ВА КООРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ ХАЛИЛОВ САФАРАЛИ АКБАРАЛИЕВИЧНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ҲАМДА КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИ БЎЙИЧА ХАБАР БЕРИШ МУМКИН БЎЛГАН АЛОҚА КАНАЛЛАРИНИ СОҲА ХОДИМЛАРИГА ВА ЖАМОАТЧИЛИККА ЕТКАЗИШ БЎЙИЧА МУРОЖААТИ



Ассалому алайкум ҳурматли жамоатчилик (фуқаролар) ва Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари. Ҳозирги кунда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга, унга қарши курашишга, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупция омилларига чек қўйишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Буни сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Қишлоқ хўжалиги вазири И.Абдурахмонов бошчилигида вазирлик тизимида ҳам коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу иллатнинг олдини олиш ва профилактика қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Барчага маълум, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ҳамда жорий йил қабул қилинган "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги қонунулари Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг барча тизим ташкилотларига (кўргазмали тақдимот материаллар, буклетлар, флаерлар ва видеодарсликлар орқали) етказилди. Шу билан бирга бўлим томонидан коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупциянинг олдини олишга доир тарғибот тадбирлари, вазирлик тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ташкил этиб борилмоқда.

Мен, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат фаолиятини олиб бораётган барча ходимларни коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлишга, ҳар қандай коррупцион ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига жиддий тўсқинлик қилишларига, ўз ҳамкасблари ва жамоадошларини ҳар қандай кўринишдаги коррупцион қилмишлар ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйишидан қайтаришга, коррупцион ҳолатларга ва манфаатлар тўқнашувига шоҳид бўлган тақдирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳамда ўз раҳбарига ёки юқори турувчи ташкилот масъул ходимларига хабар беришга, коррупцияга мутлақо тоқатсизлик тамойилига таянган ҳолда коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этмасликка, бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилмасликка, пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланмасликка чақираман.

Коррупция иллатига қарши курашда нафақат соҳа вакиллари, балки, жамият ва умуман барча фуқароларимиз масъулдирлар. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг олдини олишга ишлашимиз лозим. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида фаолият юритаётган ходимларининг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларининг гувоҳи бўлсангиз ёки ходимларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлсангиз, вазирликнинг қуйида келтирилган алоқа каналлари орқали ўз мурожаатларингизни қолдиришингизни тавсия этаман.

1. Ишонч телефони: **1243.**
2. Телеграм бот: **@uzagroanticorruptionbot**
3. Расмий веб саҳифа: **Agro.uz**
4. Электрон почта манзили: **info@agro.uz**
5. Масъул ходимлар: **95-018-22-42, 94-369-29-58.**

Йўлланган мурожаатларингиз ва хабарларингиз қонунчиликка асосан кўриб чиқилади, коррупцион ҳолатлар тасдиқланган тақдирда кескин чоралар кўрилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЭЛЛИК ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Боши 1-саҳифада)

Мазкур қонун янгиланган Конституцияга мос равишда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни тўлақонли таъминлаш ва кучайтиришни назарда тутувчи бир қатор ўзгаришларни ўз ичига олган.

Хусусан, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлис палаталарига ва Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар кўришга қаратилган махсус маърузалар тақдим этиши белгиланмоқда.

Қонун билан Омбудсманнинг қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи жорий этилмоқда.

Шунингдек, Омбудсман ва унинг ўринбосари ваколатлари, дахлсизлигининг қўшимча кафолатлари ҳам жорий этилиб, уларга юклатилган вазифаларнинг муаммосиз ва самарали бажарилиши қонунда мустаҳкамланмоқда.

Қонунда сайланиш куни ўттиз ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Омбудсман лавозимига сайланиши мумкинлигини назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонунда жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари ҳудудида "Омбудсман қутиси" тушунчаси киритилиб, унга озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг мурожаат қилишининг ҳуқуқий механизми белгиланмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институтининг мустақил миллий институт сифатидаги аҳамиятини янада ошириб, Омбудсман фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштиради.

Унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ваколатлари кенгайишига ва ҳудудий вакилликлари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан Солиқ кодексига юқори барқарорлик рейтингига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари учун рағбатлантириш чоралари жорий этилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Кодексга тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги тушунчаси киритилмоқда.

Юқори барқарорлик рейтингига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқлар бўйича (бундан қўшилган қиймат солиғи мустасно) ортиқча тўланган суммани қайтариш уч кунлик муддатда амалга оширилиши белгиланмоқда.



Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги бўйича "ААА" тоифадаги тадбиркорлик субъектларига нисбатан эса солиқ текширувлари ўтказилмайди (бундан жиноий ишлар доирасида ўтказиладиган текширувлар мустасно).

Мазкур тоифадаги тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш камерал солиқ текширувидан ўтказилмасдан бир кунлик муддатда амалга оширилади.

Мазкур қонун солиқларни ўз вақтида тўлаётган ва қонунчилик талабларига мувофиқ фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Қизғин муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, Сенатнинг ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига ипакчилик тармоғини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда ипакчилик соҳасини янада ривожлантириш, тутзорларни ташкил этиш ва ипак қуртини боқиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим тармоқлардан бири ҳисобланган пиллачиликда изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, бугунги кунда республикамизда пиллани қайта ишлаш, ипак қурти уруғчилиги ва тутчилик хўжаликларининг фаолияти йўлга қўйилган, шунингдек, соҳада 108 минг доимий ва 1 миллиондан ортиқ мавсумий ишчиларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Солиқ кодексининг 483-моддасига 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда жисмоний шахсларнинг уй шароитида тирик пилла етиштириш (касаначилик) фаолиятидан олинган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Қонунга кўра пилла етиштирувчи юридик шахсларнинг уй шароитида тирик пилла етиштирувчи касаначилар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлари ҳамда бўшаган маблағларни касаначиларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш шарти билан ижтимоий солиқдан озод қилинади.

Қонунда пилла етиштириш соҳасида озуқа базаси сифатида фойдаланиладиган тутзорлар билан банд бўлган ер участкалари учун ер солиғи халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициент қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилиши белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада ишлаб чиқариш ҳажми, тайёр маҳсулот улуши ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг эллик тўққизинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ ҳамда Божхона кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонун билан тезкор-қидирув тадбирлари тизимларининг техник воситаларини республика ҳудудига олиб киришда телекоммуникациялар операторларига солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда.

Солиқ кодексига киритилаётган қўшимчага мувофиқ эндиликда махсус ваколатли давлат органи томонидан республика ҳудудига олиб кириладиган тезкор қидирув тадбирлари тизими техник воситалари солиқ солишдан озод қилинади ва мазкур техник воситалар солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Бундан ташқари, Божхона кодексига юқорида кўрсатилган техник воситаларни божхона божини тўлашдан озод қилиш тарзида тариф имтиёзлари берилишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Шунингдек, ҳарбий хизматни назарда тутувчи бошқа идоралар ҳарбий юклар божхона расмийлаштирувида божхона йиғимини тўлашдан озод қилинмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, қонун белгиланган солиқ ва божхона имтиёзларидан тезкор-қидирув тадбирлари тизимларининг техник воситаларини республика ҳудудига олиб киришда фойдаланиш тартибини янада такомиллаштиришга ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда ердан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида аҳолининг ерга бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Аммо, соҳада ҳануз айрим камчиликлар сақланиб қолаётганлиги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурлигини юзага келтирди ва шу мақсадда мазкур қонун ишлаб чиқилди.

Қонун билан амалиётга бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик билан боғлиқ қилмишлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда.

Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш каби жиноятлар фақатгина прокуратура органлари томонидан тергов қилиниши белгиланмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, бундай турдаги жиноятларни тергов қилиш нафақат прокуратура, балки ички ишлар органлари терговчилари томонидан ҳам амалга оширилар эди.

Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодекслари ўзбошимчалик билан эгалланган давлат эгалигидаги ер участкаларини қайтариш ҳамда ноқонуний қурилмаларни бузиб ташлашга оид ишларни судларда кўриб чиқишнинг алоҳида тартибини белгиловчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фуқаролик ва иқтисодий судларга ер тўғрисидаги қонун бузилиши билан боғлиқ даъво ариза киритишда давлат божидан озод этилиши белгиланмоқда.

Муҳокама давомида қонуннинг қабул қилиниши ер участкаларига нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлиги ошишига, жиноятлар бўйича етказилган зарарнинг ўз вақтида ундирилишига хизмат қилиши таъкидланди.

Қизғин муҳокамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
Ахборот хизмати

Тергов жараёнидаги далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган айблилик масаласи судга борганда "синиш" ҳолатлари амалиётда кўп учрамоқда

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ – ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ МУСТАҚИЛ БОСҚИЧИ

жиноят иши бўйича исботланиши шарт бўлган барча ҳолатлар айнан шу босқичда исботланиши лозим

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг пировард мақсади давлатимизда демократик ўзгаришларни амалга ошириш, демократик, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун мустаҳкам моддий негизни яратишга йўналтирилган бўлиб, жиноят процессининг ишлаш механизмини таъминловчи асосий унсурлардан бири бу дастлабки тергов бўлиб хизмат қилади. Чунки, дастлабки тергов жиноят процессининг айблов функциясини ўз ичига олиб, процеснинг муҳим фигурантларини шакллантиради, уларга процессуал статус беради.



Умуман олганда, дастлабки тергов судгача бўлган процессуал фаолият бўлиб, унинг аниқ тартиби, ўтказилиш муддатлари, ваколатли органларнинг конкрет ҳаракатлари жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилган аниқ меъёрлар билан амалга оширилиб, унинг вазифаси жиноятларни тез ва тўла фош этиш, қонунларни тўғри қўллаш билан жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо қўлланилиши ва айбсиз бўлган бирор шахснинг қонунсиз жиноий жавобгарликка тортилиши ҳамда судланишига йўл қўйилмаслигига эришиш ҳисобланади.

Дастлабки тергов жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, жиноят иши бўйича исботланиши шарт бўлган барча ҳолатлар айнан шу босқичда исботланиши лозим. "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларига жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш каби фаолият йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов фаолиятини амалга ошириш уларнинг асосий ваифаларидан бўлиб қолмоқда.

Дастлабки терговнинг сифати ва аҳамияти, унинг самарадорлиги, алоҳида турдаги жиноят ишлари терговининг муваффақияти, энг аввало, терговчилар томонидан содир қилинган айбли ижтимоий хавфли қилмишнинг ўзига хос томонлари, хусусиятлари, жиноятчи ва жабрланувчи шахсига алоҳида эътибор қаратган ҳолда тергов ҳаракатларини олиб боришнинг энг мақбул ва тўғри бўлган тергов усулларини танлаши, тергов ҳаракатларини сифатли ва пухта тузилган тергов режаси асосида юқори малакада ва фаол ташкил этилишига боғлиқ ҳисобланади. Терговчининг вазифаси фақатгина айбловчи далилларни тўплашдан иборат бўлмасдан, балки ҳақиқатни аниқлаш, айнан шу гумон қилинувчи ва айбланувчини айбсизлигини (терговда аниқланган ҳолатлар ва тўпланган далиллар йиғиндисига холисона баҳо берган ҳолда) исботлаш ҳам киради. Терговчи ҳар бир жиноят иши доирасида исбот қилиш жараёнида, ишни ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплайди ва текшириб, баҳолайди. Ҳар бир жиноят ишининг ечимини, қонуний асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларини аниқлайди ва уларга қонуний баҳо беради. Терговчилар томонидан дастлабки тергов фаолиятини амалга оширишда тергов вазифаларини ҳал қилиш билан бир қаторда улар олдида бир қанча муаммо ва тўсиқлар ҳам мавжуд. Жумладан, дастлабки тергов давомида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан тафтиш тергов ҳаракатини ўтказиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни текширилаётган субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаб кўриш учун терговчилар томонидан тафтиш тергов ҳаракати тайинланиб, мазкур тергов ҳаракатининг давомийлиги 30 кунни ташкил қилади. Бугунги кунда тафтиш тергов ҳаракатини амалга оширувчи ходимларнинг иш ҳажми кўплиги, малакали мутахассис етишмаслиги сабаб ўтказилган тафтиш тергов ҳаракати якуни бўйича тафтиш далолатномасини олиш 1 ойдан кўп вақтни талаб қилмоқда. Натижада, дастлабки тергов муддатининг асоссиз равишда ўтиб кетаётганлиги бугунги тергов амалиётининг оғриқли томонларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, жиноят содир қилган шахснинг жазони ўтаб чиққандан сўнг ёки жазони ўташ даврида бевосита терговчига нисбатан қасд юзага келиши ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, унинг иш жойи, шахсий ҳаёти, оиласи, яқин қариндошлари, яшаш манзили, машинаси, ҳаракат йўналишини кузатиши орқали терговчи ва унинг оила аъзоларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф пайдо бўлиш ҳолатлари ҳам учрайди. Ҳозирги вақтда прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишда фош этилмай қолган жиноятлар, шахси аниқланмаган мурдалар, бедарак йўқолган шахслар ва жиноятга алоқадор бошқа маълумотларнинг ягона электрон манбаси мавжуд эмаслиги сабабли жиноятларнинг очилмай қолишига, бедарак йўқолган шахсларга оид ҳужжатлар тўпламини шунчаки "отказной материал" бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва олдини олиш мақсадида тергов ҳаракатлари учун янги криминалистик техниканинг яратилиши ва қўлланиши, шунингдек, интерфаоллик шартларига мослашиши керак. Бунда тергов ҳаракатларининг сифат моҳияти ўзгармайди ва рўй берган воқеани аниқлаш, барча ҳолатларни ўрганиш учун изларни топиш унинг бирламчи вазифасига киради. Дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришда замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда жиноятнинг "иссиқ" излари йўқолмасдан дарҳол топиш натижасида жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир қилган шахсларнинг ҳаракат йўналиши, жиноятнинг содир қилиш усули ва тактикасини аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш учун замонавий ахборот-коммуникацион воситалардан фойдаланилмаслиги оқибатида жиноятлар ўз вақтида очилмай қолади, бу эса, дастлабки тергов сифатининг пасайишига олиб келади. Яна бир муаммоли масалалардан бири бу суд томонидан шахсга нисбатан оқлов ҳукмининг чиқарилиши бўлиб, бу терговчининг профессионал фаолиятидаги қониқарсиз натижаларидан бири ҳисобланади. Тергов жараёнидаги далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топган айблилик масаласи судга борганда "синиш" ҳолатлари амалиётда кўп учрамоқда. Ушбу ҳолатда терговчи томонидан дастлабки тергов фаолиятини амалга оширишда жиноят-процессуал қонунчиликка асосан ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Тергов жараёни давомида терговчи томонидан далилларга баҳо беришда ўз ички ишончи ва шахсий фикрига асосан шахсга нисбатан айб эълон қилади, судя ҳам ишдаги далилларга баҳо беришда ўзининг ички ишончига асосан ҳукм чиқаради, яъни терговчи ва судянинг шахснинг айблилик масаласига нисбатан турли хил фикрда бўлиши натижасида шахсга нисбатан оқлов ҳукмининг чиқарилиши терговчи "делосининг синиши"га олиб келади ва унинг фаолияти учун қониқарсиз натижа ҳисобланади.

Прокуратура органлари томонидан тергов фаолиятини амалга оширишнинг асосий моҳияти сифатида фуқароларнинг жиноят-процессуал қонунчиликда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, дастлабки тергов жараёнида жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш ёки ҳукм чиқарилгандан кейин ҳақиқатда қоплаш учун зарур шароитларни яратиш, жиноятлар содир этилишининг сабабларини аниқлаш ва бунга ёрдам берувчи шароитларни бартараф этишга қаратилган чораларни кўриш каби вазифаларнинг белгилаб қўйилганлиги, шунингдек, тергов процесси жараёнида вужудга келган турли муаммо ва қонунчиликдаги камчиликларни таҳлил қилиб, уларга аниқ ечим таклиф қилинди, хорижий тажриба билан қиёсланди. Мазкур таклифларнинг амалиётга тадбиқ этилиши эса, тергов ҳаракати сифати ва самарадорлигини оширишда, шунингдек жиноятларни тергов қилиш ва очишда муҳим аҳамият касб этади.

Ерполат АУЕЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси прокурори.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ЁНБОШСОЙДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

Тунов куни ёнбошсойликлар учун қувончли кун бўлди. Туман ҳокимлиги вакиллари ва маҳалла аҳли иштирокида ибодат маскани – Ёнбошсой Жомеъ масжиди тантанали равишда очилди ва тадбир байрам тусини олди.

Тадбирни маҳалла оқсоқоли Номозбой Хидиров кириш сўзи билан очди. Каттақўрғон тумани ҳокими Жамшид Насриддинов тадбирда иштирок этиб, замонавий бунёдкорлик иши – янги масжидининг ишга туширилиши билан маҳалла аҳлини табриклади. Ушбу масжид исломий эътиқодимизни мустаҳкамлашда, маънавиятимизнинг ривожида, ёшларимизнинг адашмай, тўғри йўлдан бориб тарбия топишида хизмат қилишини ва дуогўй отахонларимизнинг юртимиз истиқболи учун ҳамиша дуода бўлиб туришларини таъкидлади. Кекса отахон Абдулла Сайфиддинов билан суҳбатлашганимизда, у киши қуйидагиларни гапирди: масжиднинг эски биноси мустақиллик йиллари арафасида қурилган бўлиб, унинг фаолият юритилишида марҳум Камол бобонинг хизматлари катта бўлган. Йиллар ўтиб, эски бино замон талабига жавоб бермай қолгач, 2022 йилда саховатпеша ҳомийларнинг саъй-ҳаракатлари ва беғараз ёрдамлари билан янги бино қуришга киришилди. Янги бинонинг бунёд этилишида, албатта, туманимиз ҳокими Жамшид Насриддиновнинг хизматлари катта. Туман ҳокими бизга керкали маслаҳатларини бериб, бино битгунга қадар ўзи бош-қош бўлиб турди. Кекса отахонларимиз дуода бўлишиб, ёшларимиз шижоат билан меҳнат қилдилар.

Тадбир сўнгида меҳмонларга ош тортилиб, бир пиёла чой устида суҳбат бўлди. Маҳалла оқсоқоли Номозбой Хидиров билан суҳбатлашганимизда, сўнгги икки йил ичида маҳаллада амалга оширилган ободончилик ишлари ҳақида тўлқинланиб гапирди: 2022 йилдан бошлаб 60 ўринли болалар боғчаси қурилди. Халқимиз саломатлиги йўлида ОШП қурилиб, фойдаланишга топширилди. Сув иншооти қурилиб, 70 хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Ташаббусли бюджет ҳиссаси билан 2 км. пиёдалар йўлакчаси қурилиб, 12 км. асфалт ётқизилди, тунги чироқлар ўрнатилди, 71-мактаб тўлиқ реконструкция қилинди. Қудуқ қишлоғи билан Ёнбошсойни бирлаштирувчи тупроқ йўллар текисланиб, шағал ётқизилди. Бундан ташқари, 40 км. атрофидаги ички йўллар ҳам шағаллаштирилди.

Оқсоқол Номозбой Хидиров амалга оширилган ободонлаштириш ишларида кўмакчи бўлган ва қўллаб-қувватлаб турганларга миннатдорчилик билдириб, бундан кейин қилинадиган ишлар режаси ҳақида тўхталди: Қудуқ қишлоғида 100 ўринли болалар боғчаси қуришни, Лангар Ота ва Шидак Ота зиёратгоҳларига борувчи асосий йўлни асфалтлаштиришни режалаштирганмиз. Қолаверса, ички йўлларнинг қолган қисмини шағаллаштириш, 78-мактабни реконструкция қилиш, яроқсиз ҳолга келиб қолган симёғочларни алмаштириш каби ишлар олдимизда турибди. Мақсадимиз, маҳалла ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилиш.

Ёнбошсой маҳалласида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бизни ҳам қувонтирди ва маҳалла фаолларига куч-қувват тиладик.

Ҳасан АЛМАТОВ

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА ҲУШЁРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРИНГ!


Куз-қиш мавсумида ҳаво ҳароратининг пасайиши билан фуқароларнинг турли иситиш мосламаларидан фойдаланиши ортади.

Бундай вазиятда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ масъулиятни ошириш муҳимдир. Шу боис ҳам мавсумда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва бошқа кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича Яккасарой тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари мутасадди ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорликда туманда фаолият юритаётган маҳалла, ўқув ва даволаш муассасалари, лицей, коллеж, олийгоҳлар ҳамда саноат корхоналарида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, айрим хонадон эгаларининг бепарволиги оқибатида ис газидан заҳарланиш, тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай кўнгилсизликлар юз бермаслиги учун албатта, фуқаролардан доимо ҳушёрлик, газ ва электр асбобларини ишлатиш қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Азиз юртдошлар! Куз-қиш мавсумида ҳушёрликни янада оширинг, газ ва электр асбобларидан тўғри фойдаланинг!

Зоҳид РАҲИМОВ,
Яккасарой тумани ФВБ П ва НБ инспектори, капитан.





Тил – миллат виждони

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 194-умумий ўрта таълим мактабида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 35 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси, таниқли шоир Даврон Ражаб, "Билим" ахборот-кутубхона маркази ходимлари иштирок этиб, ўзбек тилининг имкониятлари, тарихи, бугунги кунда қаратилаётган эътибор ҳақида сўз юритишди. Таъкидланганидек, тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Шу сабабли ҳам тилнинг сақланиши халқ тараққиёти ва келажагини белгилайди. Тил халқни бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъаналарини сақлайди. Тилимизни эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги мақоми, жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамиша маънавий бурчимиз бўлиб қолишига эътибор қаратилди.

Тадбирда она тилимизни улуғловчи шеърлар ўқилиб, саҳна кўринишлари намойиш қилинди, шунигдек, китоблар ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

Мадина ОЧИЛОВА,
Учтепа туманидаги 194-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Она тилим – жон дилим



Она-тилим, жон тилим,
Сен-ла қувнайди дилим.
Сенда жам, барча билим,
Она тилим, жон дилим.

Сенда сўзлаб, сайрайман
Қўшиқ куйлаб, яйрайман.
Ҳар сўзинг саралайман,
Она тилим, жон дилим.

Навоий бобом тили,
Қодирий бобом тили.
Тарихи бой, ҳам сирли,
Она тилим, жон дилим.

Сенда сўзлашмоқ гўзал,
Қалам тебратмоқ гўзал.
Алла тингламоқ гўзал,
Она тилим, жон дилим.

Денгиз ичра маржоним,
Яхшиликка маконим.
Дўппи белбоғ, чопоним,
Она тилим, жон тилим,
Шодликка тўлсин дилим!

Улуғбек НАЗАРОВ,
Наманган вилояти Норин туманидаги 32-ДМТТ мусиқа раҳбари.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Маънавий-руҳий озуқа олиб...

Оила аъзоларимизнинг кўпчилиги муаллим бўлганлигидан болалигим китоблар орасида ўтган. Китоб ўқиш индивидуал фаолият бўлиб, китобхон билан ёзувчи ўртасидаги суҳбатдир.



Бадиий асар ўқиётганингизда чуқур мулоҳаза юритасиз. Унга бутун борлиғингиз билан интилиб, ҳамма нарсани унутасиз. Китоб инсоннинг фикр доирасини кенгайтириб, унга чексиз маънавий-руҳий озуқа беради. Шу боис ҳам китобларни асл хазина сифатида сақламоғимиз лозим. Китобларни ўқиш билан бирга хонадондаги жавонлар тўлиб, китобхонлар сафи кенгайиб, улар билан муносабатимиз ҳам яхшиланиб бормоқда. Бу эса умидбахш туйғуларимизни оширади.

Қадимда нодир ва қимматбаҳо китоблар кўпроқ бой ва бадавлат кишилар хонадонидагина бўлган. Эндиликда эса деярли ҳар бир хонадонда китоб жавонлари мавжуд эканлиги қувонарли ҳол.

Ўқув даргоҳимиз қошида ташкил этилган ахборот-ресурс марказида жами 7100 та адабиёт мавжуд бўлиб, шундан 900 таси бадиий китоблардир. Кутубхона ходимлари томонидан жорий ўқув йилида янги нашрдан чиққан бадиий адабиётларни юритиш танловлари ташкил этилиб, АРМ видеотекасидаги филмлар намойиши, шунингдек, ижодкорлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Бунда кутубхона мудираси Наргиза Назарованинг хизмати катта. Жамоамизда фаолият юритаётган республикада ҳизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, олий тоифали педагог Жамила Жўраеванинг мўъжазгина шинам ва ёруғ хонасида деярли бўш жой йўқ. Жавонлардаги тартиб билан териб қўйилган бадиий адабиётлар 1500 тани ташкил этади. Бундан ташқари, тиббиётга доир 110 га яқин ҳадис, афоризм ва халқ мақолларидан иборат асарлар мавжуд. Педагог сўраган китобингизни тезда топиб бера олади. Хонанинг меъёрий ҳароратда бўлиши таъминланган. Шунингдек, халқ маорифи аълочиси Шоҳиста Худоёрова ҳамда тажрибали педагог Гулнора Охунбобоевалар нинг шахсий кутубхоналарида 350-400 дона бадиий адабиётлар мавжуд. Кези келганда шуни айтиш керакки, китобхонлар ҳам ҳар хил бўлади. Бир гал ўқувчи мактаб кутубхонасидан бир неча бадиий китоб сўради. Кутубхона мудираси истар-истамас унинг хоҳишини бажарди. Чунки унинг китоб ўқиганлигини, мутолаа қилганлигини эслай олмасди. Қарангки, орадан бир-икки ой ўтгач, мудира уйига бориб китобларни зўрға қайтариб олади. Баъзилар эса китобни қайтариб беришмайди, "ҳа шунга ҳам шунчами, ўзи китоб бўлса", деб энсасини қотиради. Бундай кўнгилсиз ҳоллар баъзида ўқувчиларимиз орасида ҳам учраб туради. Кутубхона ходимлари ва педагогларнинг асосий муддаоси ёш авлод қалбида халқимизнинг маданий, маърифий, тарихий ёдгорликларини, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга эътиқод туйғуларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Бунда эса ўқувчиларнинг китобга бўлган муносабатларини яхшилаш, муҳаббатини ошириш керак, деб ўйлайман. Бугунги кунда бозор иқтисодиёти муносабатлари ва турли электрон оммавий ахборот воситалари китобхонни катта адабиётдан бироз бўлса-да узоқлаштириб қўймоқда. Бироқ, китоб – улкан мўъжиза, ундан асло юз ўгирмаслигимиз лозим. Кўп китоб ўқиган кишининг фикрлаш доираси кенгайиши ва ҳаётни осон англашини таъкидламоқчиман.

Озода МАМАТЎРАЕВА,
Дўстлик туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Реклама



Дўстлар эътирофи

Янги Ўзбекистон бунёд этилаётган шонли даврнинг иштирокчиси бўлиб турган бир пайтда ҳар биримиз миллатимиз тарихи ва яқин ўтмишини хотирлашимиз, мамлакатимиз тараққиётининг турли босқичларида ўзларининг фидойи меҳнати билан ҳисса қўшган инсонларни қадрлашимиз жоиз бўлади. Зероки, тарихни шахс ва унинг заковати яратади. Албатта, бу ерда шахс атамаси ўзида миллионлаб инсонларни мужассам этган умумлашма эътироф эрса-да, унинг замирида заррадай бўлса-да ҳар бир инсоннинг эзгу мақсадларга йўналтирилган фаолияти, фидокорона меҳнати буюк бир иншоотнинг бир ғишти сингари аҳамиятга эга.



ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ


Биз бугун шундай инсонлардан бири, ўзининг 75 йиллик ҳаёти ва 55 йиллик иш фаолияти давомида камтарона меҳнати билан юрт равнақига ҳиссасини қўшган ҳамкасб дўстимиз Зоҳид Обидович Салихов ҳақида дил сўзларимизни баён этмоқдамиз. Бошқарув органларининг турли даражадаги бўғинларида масъул вазифаларда қарийб 30 йил ишлаб тобланган Зоҳид Обидович Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратидаги 20 йиллик фаолияти давомида ўзининг бор билими ва тажрибасини мутлақо янги йўналишдаги вазифаларни бажаришга қаратди. Ҳолбуки, мустақиллигимизнинг илк йилларида давлатимиз энди жаҳонга юз очаётган бир даврда соҳада ҳам халқаро муносабатларни шакллантириш, хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш долзарб масалалардан бирига айланганди. Махсус дипломатик билим ва малакага эга мутахассис ходимларнинг ўша даврда етишмаслиги бу масалани янада мураккаблаштирганди. Халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ваколатхоналари билан алоқа ўрнатиш, ҳамкорлик йўналишларини белгилаш ва йўлга қўйиш, соҳа ходимларини чет элга юбориш ва учрашувларда музокараларга тайёрлаш жараёнлари истиқлолимизнинг дастлабки йилларида қанчалик машаққатли кечганини биродаримиз Зоҳиджон аканинг хотираларига бой гоҳида кулгули, гоҳида аламли ҳикояларидан эшитган жойларимиз бор. Ҳолбуки, бутун фаолияти далада пахта ва ғалла ташвиши билан ўтган бир ходимнинг бирдан пўрим кийинган, бошқа тилда сўзлашаётган, у келган мамлакатни фақат телевизорда кўрган ўзга юрт одами билан тиллашиши осон кечмаган. Муомала одоби, кийиниш маданиятида "хол қўйган" вазиятлар бўлганлиги рост. Ҳозирги пайтда "ўтиш даври" дея эсланаётган ўша йилларда бор-йўғи 3 нафар ходимдан иборат вазирликнинг халқаро алоқалар бўлинмаси кенг кўламли вазифаларни амалга оширди. Зоҳид аканинг бахтига Рустам Ибрагимов, Ольга Мунаевадек фидойи ва жонкуяр инсонлар у кишига елкадош бўлиб, кечаю-кундуз бир ёқадан бош чиқариб ишлаб, вазирлигимиз учун стратегик жиҳатдан муҳим бу йўналишдаги фаолият юритиш тизими йўлга қўйилди. Ушбу натижаларга эришишда Зоҳид Обидовичнинг меҳнат фаолияти давомида намоён этган иш юритиш тажрибаси, юксак муомала маданияти, замонавий тафаккур ва дунёқараши, юқори салоҳиятга эгалиги муҳим омил бўлди, десак муболаға бўлмайди.

2016 йилнинг май ойида БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг Европа ва Осиё давлатлари учун Анталия шаҳрида бўлиб ўтган минтақавий ҳисобот конференцияси резолюцияси муҳокамасида ривожланган давлатлардан бирининг делегацияси мазкур ҳужжат лойиҳасидаги имловий жиҳатдан таҳрирталаб матнлар бўйича бир неча марта чиқишлар қилиб, муҳим йўналишлардан оғдираётган бир пайтда Зоҳиджон ака мазкур ташкилот фаолиятидаги тизимли масалаларни баён этиб, улар юзасидан делегациямиз номидан аниқ таклифларни илгари суриб, анжуманда олқишланганлигининг гувоҳи бўлган ҳамкасбимиз ҳалигача ёшларимизга ибрат намунаси сифатида ушбу воқеа ҳақида айтиб юради. Зоҳид ака ўзининг самимийлиги, очиқ кўнгиллиги, дилкашлиги билан кенг дўстлар даврасига эга инсон. У кишидаги лутф, муомаладаги назокати суҳбатлашган ҳар қандай одамнинг қалбидан жой олади. Ўзининг одамохунлиги сабаб меҳнат фаолиятини жамоатчилик ишлари билан чамбарчас олиб борганлигини ҳозиргача кўп ҳамкасбларимиз ҳурмат билан эслайди. Соҳавий бирлашган Касаба уюшма қўмитаси ва Нуронийлар Кенгаши вазирлик бўлинмасига раҳбарлик қилиб, кўплаб ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар амалга оширилишида бош-қош бўлди. Биродаримиз, ҳамкасб дўстимиз ва устозимиз босиб ўтган ҳаёт йўли ёшларимиз ҳамда Салиховлар сулоласи учун чинакам ибрат мактабидир.

Раҳматлик янгамиз Фотимахон ая билан 3 нафар фарзандни тарбиялаб, эл корига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказдилар. Зоҳид аканинг ўнлаб шогирдлари ҳозир республика ва ҳудудлар миқёсида раҳбар ва масъул вазифаларда ишлаб келмоқдалар. Вазирлигимизнинг фахрийси сифатида айни пайтда ҳам фаол жамоатчилиги билан бизнинг сафимизда эканлигини мамнуният билан қайд этамиз. Таваллудининг 75 йиллигини қаршилаётган биродаримиз Зоҳиджон акани чин дилдан муборакбод этган ҳолда дўстимизга тан-сиҳатлик, узоқ умр ҳамда мазкур санада қилинган барча эзгу ниятларининг ижобатини тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ ҳамкасб дўстлари

БОЛАНГИЗ ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ ЧОРАСИНИ БИЛАДИМИ?



Ҳа, бугун оилада ёш боламизга кўп нарсани ўргатамиз. Ҳатто керагидан ортиқчасиниям. Аммо сиз ёш болаларингизга ёнғиндан эҳтиёт чораларини уқтириб борасизми? Аслида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фавқулодда вазиятларда тўғри ва аниқ ҳаракатланиш болалар ва катталар ҳаётини сақлаб қолиши мумкин бўлган муҳим иш эканлигини болаларга тушунтириб бориш жуда зарур.

Аввало болалар болалигиданоқ гугурт, электр воситалари, газ ёқиш ускуналарининг ўйинчоқ эмаслигини билишлари керак. Болага нафақат ёнғин хавфсизлигини, балки ёнғин юзага келганда ўзини қандай тутиш қоидаларини ҳам ўргатиш муҳимдир. Агар муаммо юзага келса, болалар қандай ҳаракат қилишни, нима қилиш кераклигини билишлари керак.

Шу боис Чилонзор туманидаги аксарият мактабгача таълим муассасаларида охирги ой ичида профилактика тадбирлари, жумладан, Чилонзор тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари иштирокида мунтазам ўтказилмоқда. Хусусан, туманнинг 7-мавзесида жойлашган 287-ДМТТда, 286-сонли ДМТТ ва 246-сонли "Қуёшча" мактабгача таълим муассасасида болаларнинг ёнғин ва фавқулодда вазият юзага келганда ҳаракатланиш йўллари бўйича тадбирлар ўтказилди. Болалар ижодиёти кўргазмаси ташкил этилди, хавфсизлик бўйича кичик машғулотлар ўтказилди. "Мен ўт ўчирувчи бўламан" шиори остида кўргазмали чиқишлар ва машғулотлар ҳам ўтказилди. Ва, албатта, яхши анъанага кўра, мактабгача ёшдаги болалар 12-сонли ёнғин-қутқарув қисмига экскурсия қилдирилди.

О.РАҲМОНОВ,
Чилонзор тумани ФВБ П ва НБ инспектори, катта лейтенант,
Ж.УМАРОВ,
Чилонзор тумани ФВБ П ва НБ инспектори, катта лейтенант.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1017. 1030 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **e-mail:**infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00